2015 ЙИЛ 13 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 8 (12.821)

Баҳоси эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!
Азиз дўстлар!

Авваламбор, юртимизда Конституциямиз ва қонунларимиз асосида, қизғин курашлар руҳида бўлиб ўтган сайловларда эл-юртимизнинг ишончини қозониб, Қонунчилик палатаси депутати деган юксак шарафга сазовор бўлган сиз, муҳтарам халқ вакилларини чин қалбимдан табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мен кўпчилик мана шу муҳташам залда ўтирганларни яқиндан билмасам ҳам, бугун сизларнинг иссиқ юзингизни, очиқ чеҳрангизни кўриб, ўзимни худдики сизлар билан яқиндан танишгандек ҳис қилмоқдаман.

Ҳар қайси инсоннинг ҳаётида унинг хаёлида, хотирасида умрбод сақланиб қоладиган унутилмас воқеалар бўлади.

Сизларнинг барчангиз учун бугун ана шундай катта хурсандчилик куни, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизлар муяссар бўлган, юртимиз ҳаётида улкан воқеа бўлган бундай шарафга эришиш, яъни, халқ вакили бўлиб, беш йил давомида парламентда иш олиб бориш, сайловчилар билдирган юксак ишончни оқлаш – **бу катта бахт, шу билан бирга, катта масъулият демакдир.**

Ҳақиқатан ҳам, эл-юрт ишончига муносиб бўлиб, олдимизда турган буюк мақсадлар учун, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш йўлида ўзини бахшида қилиш, вақти келганда, Ватанимизни янада равнақ топтиришда менинг ҳам қўшган ҳиссам бор, деб мамнун бўлиб, рози бўлиб яшаш ҳаммага ҳам буюрмайди.

Шу маънода, бугун мана шу гўзал ва ҳашаматли, янги тарихимиздаги кўп унутилмас воқеаларга гувоҳ бўлган бинога айни шундай ҳиссиётлар билан қадам қўяётган сиз, муҳтарам депутатларга жамоатчилигимиз, сайловчиларимиз, ўттиз бир ярим миллионли халқимиз гўёки оқ фотиҳа бермоқда, десам, ўйлайманки, адашмаган бўламан.

Менинг сизлар билан бугунги учрашув, бугунги чиқишимдан асосий мақсад – Олий Мажлиснинг аввалги таркибида иш олиб борган депутатлар фаолиятига баҳо бериш, янги сайланган парламентнинг вазифалари ҳақида сўз юритиш эмас.

Насиб этса, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг яқинда бўладиган қўшма мажлисида бу ҳақда атрофлича, чуқурроқ гаплашиб оламиз.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, аввало, сиз, азизларим билан кўришиб, сизларни чин қалбимдан табриклаб, мамлакатимизни замон талаблари асосида, барқарор суръатлар билан тараққий эттириш, бунинг учун кенг кўламли демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, шу борада олдимизда турган энг долзарб масалалар ҳақидаги айрим фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашишни истардим.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз ғоят мураккаб, таҳликали ва қалтис бир замонда яшаётганимизни барчангиз яхши биласиз.

Ҳозирги вақтда дунёнинг узоқ-яқин турли ҳудудларида юз бераётган ташвишли воқеалар, жумладан, бизнинг минтақамизда, ёнатрофимизда кучайиб бораётган хавф-хатарлар, қонли тўқнашувлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршиликлар, терроризм, радикализм, наркотрафикнинг тобора авж олаётгани тинчлик ва барқарорликка қандай катта таҳдид туғдираётгани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Мана шундай тобора кескинлашиб бораётган бир вазиятда биз ҳушёрлик ва сергаклигимизни йўқотмасдан, кимлар бизга хайрихоҳ, кимлар ғаразли кўз билан қараётганини, бугунги ҳаёт, бугунги давр бизнинг олдимизга қандай ўткир талаб ва вазифаларни қўяётганини чуқур англаб, огоҳ, сезгир ва сафарбар бўлиб яшашимиз талаб қилинмоқда.

Мана, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетганига 23 йилдан ошди. Бир пайтлар унинг таркибида бўлган республикалар аста-секин оёққа туриб, қад ростлаб, мустақил тараққиёт йўлида қадам қўйишга интилмоқда.

Айнан бизнинг Ватанимиз – Ўзбекистонимизни оладиган бўлсак, Яратганга минг бора шукурлар бўлсинким, бугунги кунда, аввало, халқимизнинг машаққатли ва фидокорона меҳнати ҳисобидан эришаётган ютуқ ва марраларимизни дўстларимиз ҳам, мухолифларимиз ҳам тан олмоқда, ислоҳотларимиз самарасини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. **Баъзи давлатлар, қани, биз ҳам шундай натижаларга эришсак, деб бизга ҳавас билан қараётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас.**

Шу нуқтаи назардан қараганда, айрим собиқ иттифоқдош республикаларнинг бугунги ривожланиш даражаси ва улар дуч келаётган иқтисодий-ижтимоий муаммоларни Ўзбекистоннинг ҳозирги тараққиёти билан солиштирадиган бўлсак, ўртада қандай катта фарқ борлигини яққол кўриш, кузатиш қийин эмас.

Биз тарихан қисқа даврда, ўтган асрнинг 90-йилларида, энг оғир ва таҳликали бир шароитда ортиқча ҳиссиётларга берилмасдан, четдан бўлган турли тазйиқлар ва сохта ваъдаларга учмасдан, Ўзбекистонимиз учун яккаю ягона тўғри, яъни тадрижий, босқичма-босқич ривожланиш йўлини танлаб олганимиз, узоқни кўзлаб, етти ўлчаб бир кесган ҳолда, бошқача айтганда, шошма-шошарликка берилмасдан, «Мен минтақада биринчиман, мен дунёда биринчилар қаторидаман» деган мақтов сўзларни ишлатмасдан туриб, **пухта ўйланган вазмин сиёсат олиб борганимизни бугун ҳаётнинг ўзи қайта-қайта исботлаб бермоқда.**

Айнан ана шундай тўғри йўлни танлаганимиз туфайли мустақилликни мустаҳкамлаш, Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, ривожланган демократик давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаш, халқимиз ва келгуси авлодларимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт шароитларини яратиш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш бўйича **улкан, айтиш мумкинки, асрларга тенг бўлган йўлни босиб ўтдик.**

Бугун мустақил тараққиёт йўлимизни, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, авваламбор, бир ҳақиқатни такрор ва такрор айтишни ўринли деб биламан. Яъни, янги ҳаёт, янги жамият қуриш йўлида биз илгари ҳеч қачон дуч келмаган, тажрибамизда учрамаган ўта оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтишимизга тўғри келди.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада қандай муаммо ва синовларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгишга тўғри келган бўлмасин, қандай суронли ва тўфонли кунларни бошимиздан кечирган бўлмайлик, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаган ва дадил қадамлар билан бораётган йўлимиздан, **ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларимиздан қайтмадик ва ҳеч қачон қайтмаймиз, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.**

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 12 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Парламент қуйи палатасининг биринчи мажлисини қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов очди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Йиғилишда мамлакатимиз ҳукумати аъзолари, марказий идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Депутатлар мажлиснинг кун тартибини тасдиқлади.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайлов якунлари тўғрисида ахборот берди. Бунда Ўзбекистонда парламент сайлови сифат жиҳатидан янги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий шароитларда, очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик каби демократик принциплар асосида, қонун ҳужжатларининг талабларига, умумэътироф этилган халқаро меъёрлар ва стандартларга тўла мувофиқ тарзда ўтказилганлиги алоҳида таъкидланди.

Сайлов кампанияси давомида сиёсий партияларга ташвиқот олиб бориш, ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини оммавий ахборот воситалари орқали аҳоли кенг қатламларига етказиш учун тенг шароитлар яратилди. Қонунчиликка мувофиқ мамлакатимиз фуқаролари ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши учун кенг имкониятлар яратилди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва сайлов жараёнини юзлаб халқаро ва маҳаллий кузатувчилар кузатиб борди.

Умуман олганда, бўлиб ўтган сайловлар фуқароларнинг фаоллиги, сиёсий ва ҳуқуқий етуклиги ўсганлигини ёрқин намоён этди. Сайлов Ўзбекистон халқининг демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, аҳоли фаровонлиги ва Ватан равнақини оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлидаги ҳамжиҳатлигининг кўзгуси бўлди.

Қонунчилик палатасига сиёсий партиялардан ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг таъсис йиғилишлари бўлиб ўтиб, мазкур йиғилишларда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи шакллантирилди, уларнинг раҳбарлари сайланди. Мажлис чоғида палата аъзолари сиёсий партиялар фракцияларини ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, шунингдек, сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳининг таклифига кўра қуйи палата аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодлар кўрсатиш бўйича Оқсоқоллар кенгашини тузди.

Оқсоқоллар кенгашининг таклифига биноан депутатлар яширин овоз бериш йўли билан Нуриддинжон Исмоиловни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари лавозимларига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари Содиқжон Турдиевни, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратовни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Ҳотамжон Кетмоновни, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари Наримон Умаровни, Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи раҳбари Борий Алихоновни сайлади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қўмита раиси лавозимлари депутатларнинг қайси партияга ёки гуруҳга мансублиги ҳамда сайловда олинган сайловчилар овозлари сони ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Қўмита раиси лавозимларига номзодлар юзасидан таклифлар депутатлар фракциялари раҳбарлари томонидан ўзаро маслаҳатлашувлар асосида киритилади. Шу муносабат билан Қонунчилик палатасининг депутатлари томонидан қуйи палата қўмиталарининг рўйхатини тасдиқлаш ҳамда қўмиталар раисларининг лавозимларини сиёсий партиялар фракциялари ва Экологик ҳаракатдан сайланган депутатлар гуруҳи ўртасида тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Депутатлар парламент қуйи палатаси қўмиталари раисларини ҳам сайлади.

Кўриб чиқилган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси ўз ишини якунлади.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Жалов Лазиз Абдурашидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Кайимов Баходир Файзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаб бошқарма бош муҳандиси

Комилов Мухиддин Узоқович — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

«Дўстлик» ордени билан

Волков Рамиль Шамильевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Ерниязов Камалбай Турганбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Просвирин Василий Алексеевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

«Мардлик» ордени билан

Вахобов Жахонгир Омонжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батарея командири

Камалов Фахриддин Норбобоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Насиров Улуғбек Кадиржанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Очилов Маъруфжон Махамадиевич — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Ризокулов Рамзидин Алижонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Рузиев Азизжон Ражаббоевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Суванов Акмаль Умрузакович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Бош штаб бошқармаси хизмат бошлиғининг ўринбосари

Турғунов Ахмадали Исмоилович — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

Турдиев Бобомурод Мухторжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Хакимов Азизбек Набижонович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод командири

Эргашев Бахром Улуғбекович (марҳум) — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисми ёнғин ўчирувчиси

(Давоми 3-бетда)

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2015 йил 14 январь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг иккинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолигига номзодларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этиш тўғрисида;

— Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари ва туман ҳокимларини тасдиқлаш тўғрисида.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ ТАШКИЛИЙ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мана шундай ўта таҳликали вазиятда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белни маҳкам боғлаб, қандай оғир бўлмасин, ўз йўлимизда қатъият билан давом этганимиз, чет мамлакатлардан таклиф қилинаётган сармояларни эл-юртимиз манфаатини кўзда тутиб, чуқур ўйлаб ишлатганимиз, такрор айтишим керак, биз учун энг тўғри йўл бўлди. Шу тариқа биз нафақат сиёсий, аввало, иқтисодий мустақиллигимизни сақлашга ва мустаҳкамлашга эришдик.

Маълумки, ўтган асрнинг 90-йилларида бошқа совет республикалари қатори Ўзбекистон ҳам мустақил тараққиёт йўлига ўтди. Мустабид тузумдан бизга қандай оғир, қандай ночор мерос қолгани, халқимиз қанча азоб-уқубатлар тортганини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. «Пахта иши» деган уйдирма ва бўҳтонлар, Марказдан юборилган, ўзини «десантчилар» деб атаган ёвуз кучларнинг қонунни, адолатни, халқимизнинг шаъни ва ғурурини оёқости қилиб амалга оширган кирдикорлари ҳақидаги бор ҳақиқатни тўла очиб бериш лозим. Афсуски, тарихчиларимиз, адибларимиз бу ҳақда кам ёзади. Ҳолбуки, биз учун олис тарих бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек даври ҳақида қанча китоблар ёзилган. Ёзилиши керак ҳам. Айни пайтда биз бошимиздан кечирган кечаги кун, яқин тарихимизда рўй берган мана шундай фожиали воқеаларни ҳам бугунги ва келажак авлодларимизнинг онгу шуурига етказиш ҳақида ҳам бош қотиришимиз зарур. Униб-ўсиб келаётган ёшларимизни тарих сабоқлари билан, тарих ҳақиқати билан қуроллантириш лозим. Мактабларимизда, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларимизда айни шу мавзуларни холис ва ҳаққоний ёритиб беришга янада кўпроқ эътибор қаратишимиз керак. Бунинг учун аввало мустақилликка эришиш арафасидаги оғир кунларни бевосита кўрган, шу воқеаларнинг гувоҳи бўлган одамларнинг эсдалик ва хотираларини ёзиб олиш зарур.

Шуни эсда тутиш керакки, тарихни унутган халқ, жамият ўз йўлини йўқотади. Бундай халқ ва жамиятнинг келажаги йўқ.

Бугунги кунда баъзи мамлакатларда эски совет даврини қўмсаш, ўша замонга қайтиш учун турли уринишлар бўляпти. Айрим хорижий телеканалларда Ленин даврини, Сталин даврини, СССРни улуғлаш кайфиятлари кучайиб боряпти. Бундай қараш, бундай ёндашув бизга асло маъқул эмас. Бизнинг ўз ақлимиз, билим ва тажрибамиз, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олган йўлимиз бор. Биз қарамлик ва тутқунликка қайтишга ҳеч қачон рози бўлмаймиз. Ота-боболаримиз айтганидек, кўр ҳассасини бир марта йўқотади.

Мен Конституциямизнинг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда билдирган фикримни яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман – биз эски тузумни тиклашга қаратилган ҳеч қандай иттифоққа ҳеч қачон кирмаймиз, мустабид совет даврига асло қайтмаймиз. Шахсан мен бутун ҳаётимни, бутун умримни халқимизнинг озодлигига, Ватанимиз мустақиллигига бағишладим ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмайман.

Маълумки, иқтисодий мустақилликка эришмасдан туриб сиёсий мустақилликка эришиб бўлмайди. Ёдингизда бўлса, 90-йилларда четдан бизга маслаҳат берадиган, ақл ўргатадиган қандай «доҳий»лар, қандай иқтисодчилар майдонга чиққан эди. Улар бошқаларнинг тажрибасидан кўр-кўрона нусха олишга, мавжуд вазият, миллий хусусият ва анъаналарни четга суриб қўйиб, қанчалик уринганини ҳали-ҳамон эсимизда.

Халқимизда бир эшикка киришдан олдин чиқишни ўйлаш керак, деган мақол бор. Ўзингиз ўйланг, қарз ҳисобида олган сармояларни қаёққа ишлатишни олдиндан пухта ўйламасдан, аниқ стратегик лойиҳаларни амалга ошириш ўрнига бошқаларга ўхшаб, еб қўйган бўлганимизда, бугун қандай аҳволда бўлардик? **Бу ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз зарур деб биламан.**

Лекин ҳаммамизга яхши маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, жадал суръатлар билан доимо олдинга интилади. Кимки ҳаётнинг тараққиёт суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, **эришган ютуқларига маҳлиё бўлиб, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгариб бораётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади. Бу – ҳаётнинг бешафқат, аччиқ ҳақиқати ва биз буни асло унутмаслигимиз керак.**

Бугунги кунда биз юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуришга қаратилган олис ва оғир йўлнинг фақат бир қисминигина босиб ўтдик, холос. Унинг ҳал қилувчи қисми ҳали олдинда. Яъни, бу йўлда ўз ечимини кутиб турган вазифаларимиз камайгани йўқ, аксинча, замон талаби билан уларнинг кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бормоқда. Албатта, барчамиз бу ҳақиқатни яхши тушунамиз ва бу йўлда яна қанчадан-қанча кутилмаган қийинчиликлар, турли синовлар бўлиши мумкинлигини ҳам ўзимизга тасаввур қиламиз.

Бу борада ҳаётнинг ана шундай талаб ва мезонларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва ўтган давр мобайнида изчил жорий этиб келинаётган, амалда ўзини оқлаган, «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлимиз ва Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ўрта ва узоқ истиқболда биз учун келажак Стратегияси бўлиб хизмат қилмоқда, аниқ йўлни кўрсатмоқда.

Қадрли депутатлар!

Сизлар ўз зиммангизга олган вазифаларни адо этишда, албатта, кўп жиҳатдан ўрганишга, тажриба топишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ўрганишга, ўз устингизда ишлашга, профессионал даражангизни оширишга доим тайёр бўлишингиз керак. Ҳар биримиз ўқиш-ўрганишдан ҳеч қачон тортинмаслигимиз зарур. Ҳамма нарсани биламан, деган одам янглишади. Қаранг, бугун болаларимиз ўқиб-ўрганиб, ўз устида ишлаб ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб улғаймоқда. Мустақил фикрлайдиган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ўз юрти, ўз халқига фидойи, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир бўлган бундай авлодни енгиб бўладими? Бугун биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга етишда ана шу навқирон авлодимиз ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Яна бир бор таъкидлайман, доимо ўрганиш, изланиш, янгиликка интилиб яшаш керак. Бугунги кунда қайси давлат юксак тараққиётга эришган бўлса – бу Жанубий Корея ёки Япония бўладими, Европа давлатлари бўладими – буларнинг барчасидан ўрганиш керак. Бу борада биз учун ҳеч қандай мафкуравий чеклашлар йўқ. Биз учун ягона мафкура – бу Ўзбекистоннинг тараққиёти, Ўзбекистоннинг равнақи, Ўзбекистоннинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигидир.

Биз, давлатимизнинг ташқи сиёсат стратегиясига амал қилган ҳолда, турли сиёсий-ҳарбий блокларга қўшилмаймиз, ўз ҳудудимизда хорижий ҳарбий базалар ташкил қилишга йўл қўймаймиз. Бизнинг мақсадимиз битта, у ҳам бўлса, юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан тил топишиб, аҳил ва иноқ бўлиб яшашдан иборат.

Барчамизга маълумки, депутат қайси партияга мансуб бўлмасин, биринчи навбатда, сайловчилар олдида, эл-юрт олдида жавоб беради. Партиялар жамиятнинг маълум бир қатлами манфаатларини ифода этадиган ва ҳимоя қиладиган куч сифатида парламентда бир-бирига рақиб ёки мухолиф бўлиши табиийдир.

Лекин ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистон манфаати, ягона халқ манфаатлари ҳақида сўз борганда, **уларнинг барчаси бир мушт бўлиб бирлашиши даркорлигини ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз зарур.** Бугунги кунда мамлакатимизда миллий ғоямиз – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар ана шундай бирлаштирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганидан сизлар албатта яхши хабардорсиз.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгариш ва янгиланишлар туфайли парламентнинг ваколат доираси янада кенгайди. Конституциямизга тегишли ўзгартишлар киритдик. Ҳокимиятнинг учта бўғинга, яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини яратиш бўйича аниқ ишлар қилинди.

Айни вақтда парламент таркиби – структураси, унинг баъзи бир ташкилий жиҳатлари эски замонни эслатишини, ҳали-бери расмиятчилик аломатлари сақланиб қолаётганини ҳам очиқ айтишимиз ва бу муаммоларни ҳал қилиш устида ишлашимиз керак.

Муҳтарам дўстлар!

Ўзингиз кўриб турибсиз, дунёда олдин ҳеч содир бўлмаган, учрамаган ўта оғир, ўта мураккаб зиддият ва низолар, сиёсий қарамақаршиликлар, жаҳон миқёсида 2008 йили бошланган молиявий-иқтисодий инқироз ва унинг оқибатлари давом этаётган, бир сўз билан айтганда, ноаниқлик ва охирини олдиндан айтиб бўлмайдиган воқеалар юз беришининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мана шундай ғоят мураккаб вазиятда янги – 2015 йил ва ундан кейинги йилларда биз ўз олдимизга қўяётган кенг кўламли ислоҳотларни янги босқичда давом эттириш, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, лўнда қилиб айтганда, юртимизни, Ватанимизни янада обод ва фаровон этишдек аниқ ва эзгу мақсадларга эришиш мумкинми, деган безовталик пайдо бўлиши мумкин.

Буни ҳам тўғри тушуниш керак. Лекин мана шундай ўта масъулиятли пайтда бир чеккада томошабин бўлиб ўтириш асло мумкин эмас. Файласуфлар айтганидек, бу дунёда душмандан эмас, аввало, лоқайд, бепарво ва бетараф одамлардан қўрқиш керак. Менинг сизларга тилагим, даъватим шуки, халқ вакиллари аввало курашчи бўлиши керак. Мана шу муқаддас замин учун, Ўзбекистонимиз учун, халқимизнинг тинчлиги, фарзандларимизнинг бахтли келажаги учун барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, ишлашимиз, курашишимиз зарур.

Мен чет эллик сиёсий арбоблар, катта ишбилармонлар билан учрашганда, улар бизнинг фарзандларимиз ҳақида ҳавас билан «Ёшларингизнинг кўзи ёниб туради» деган фикрни кўп эшитаман. Ҳақиқатан ҳам, ҳаётда Ватани, халқи учун курашга бел боғлаган, софдил, иродаси мустаҳкам ёшларнинг кўзлари ёниб туради. Бугун мана шу залда ҳам кўзлари ана шундай ёниб турган одамларни кўриб, «Балли, сизларга!» деб айтмоқчиман.

Юқорида зикр этилган хавотирли саволларга нисбатан, ўйлайманки, барчамизнинг жавобимиз битта, яъни, биз босиб ўтган ривожланиш йўлини, эришган марра ва ютуқларимиз, энг муҳими, бизнинг бугунги салоҳиятимиз, куч-қудратимизни 90-йиллардаги давр билан мутлақо солиштириб бўлмайди. Чунки бизнинг бугунги халқимиз, бизнинг бугунги жамиятимиз – бундан ўн йил, йигирма йил олдинги халқ ва жамият эмас.

Бугунги кунда одамларимизнинг фикри-зикри, дунёга, ҳаётга қараши тубдан ўзгариб, уларнинг тобора юксалиб бораётган сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти, фаол гражданлик позицияси, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз ва ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деган азму қарор билан олдинга интилаётгани биз эришган ва келгусида қўлга киритадиган катта-катта ютуқ ва марраларнинг мустаҳкам пойдеворига айланаётганини кўрмаслик, англамаслик ва буни тан олмаслик мумкин эмас.

Йиллар, асрлар синовида тобланган, кўпни кўрган, бугун эркинлик ҳавосидан нафас олиб яшаётган, ўз қадр-қимматини, инсоний шаънини, не-не улуғ зотларнинг ворислари эканини, ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тиклаган, халқаро майдонда ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётган, ўз кучи ва эртанги кунига ишонган, ўз юрти, ўз фарзандларининг келажаги фаровон бўлишига интиладиган бундай халқни ҳеч қандай куч тўхтатолмайди.

Мана шундай меҳнаткаш, олижаноб ва бағрикенг халққа фарзандлик садоқати билан хизмат қилиш – барчамиз учун юксак шараф, олий саодатдир.

Азиз юртдошларим, ҳурматли депутатлар, мана шу эзгу мақсадларга эришиш йўлида барчангизга яна бир бор бахт ва омад тилайман.

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 23 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган «Аскар оналарини шарафлаймиз!» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

● Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ташкил этилган оила дорилфунуни никоҳдан ўтувчи ёшларни ҳаётга, оила қуришга тайёрлашга хизмат қилади.

● Наманган вилоятининг Поп туманида қуёш фотоэлектр станцияси иш бошлади. Станцияда умумий қуввати 130 киловаттга эга бўлган беш турдаги қуёш батареяли панеллар синов тариқасида ўрнатилди ва улар дастлабки энергияни бера бошлади. Мазкур лойиҳадан кўзланган асосий мақсад ўрнатилган технологияларнинг самарадорлигини ўрганиш ва синов жараёнидан яхши ўтган юқори самарали панеллар русумини бутун минтақага татбиқ этишдир.

● Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинларининг бир гуруҳ ҳарбий хизматчилари учун 30 хонадонга мўлжалланган уч қаватли замонавий янги уй фойдаланишга топширилди. Хоналар кенг, ёруғ, шинам. Ошхона ва бошқа қўшимча хоналар замонавий усулда жиҳозланган. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун замонавий ўйин майдончаси, очиқ сув ҳавзаси барпо этилган.

● Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида ёш оилалар учун бунёд этилган «Камолот» уйи фойдаланишга топширилди. «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг 2 миллиард 350 миллион сўмлик имтиёзли кредит маблағи ҳисобидан қурилган тўрт қаватли турар жой биносининг уч ва тўрт хонали ўттиз икки хонадони калитлари фан, санъат, адабиёт ва спорт йўналишида юксак натижаларга эришган ёш оилаларга топширилди.

ЖАҲОНДА

● Жаҳон бозоридаги нефть нархи 53 доллардан пасайиб кетди. Москва вақти билан 5 январь 19:28 ҳолатига кўра, Brent маркасидаги нефть 6,47 фоизга арзонлашиб, 52,99 доллардан сотила бошлаган.

● АҚШда 1793 йили ишлаб чиқарилган бир цент қийматига эга танга Флорида штатининг Орландо шаҳрида ўтказилган ким ошди савдосида 2,35 миллион долларга сотилди. Танга «занжир цент» номи билан ишлаб чиқарилган бўлиб, унга 13 та бир-бирига боғланган ҳалқалар расми туширилган.

● Марсда юрувчи Curiosity қурилмаси томонидан муҳрланган янги тасвирлар Миррих сайёрасида ҳаёт мавжуд бўлганлигини тахмин қилишга имкон берди. 2008 йилда геологик тузилмаларни ўрганиш билан шуғулланувчи профессор Нора Ноффке Австралияда 3,5 миллиард ёшда бўлган биологик қолдиқларни топиб олганди. Марсда аниқланган объектлар ана шу тузилмалар билан ўхшаш бўлиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Жасорат» медали билан

Абдикодиров Кулпидин Шокирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

Абдувалиев Музаффар Махмудович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Абдуллаев Ойбек Хусаинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Анфалов Олег Викторович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази йўриқчи-қутқарувчиси

Ахмедов Нодирбек Гайратович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Ахралхонов Нуриллахон Сайдиллахонович — Тошкент вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

Буриев Абдужалил Абдижамилович — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

Гозиев Ёкубжон Абдухаликович — Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Джавунов Зохиджон Рахимжанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Довранов Мирзохид Алиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Жумабоев Эркин Курбоналиевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Жумаев Қодиржон Шоназарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Заитов Хайрилла Джураевич — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ҳарбийлаштирилган қисми бўлинма командири

Ибрагимов Мурод Кобулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Кариев Озодхон Уткурович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қаршиев Мақсуд Абдимуратович — Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Касимов Абдухамид Хафизович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Кидиров Шерали Сайфуллажонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси

Қўчқаров Шерзод Рахмоналиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Маманов Ботиржон Махамматкулович — Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Матёқубов Умарбек Отабоевич — Хоразм вилояти Хива тумани ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми ёнғин ўчирувчиси

Матякубов Алишер Эшчанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мирзаев Мансур Мирагзамович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Муқумов Жасур Нематкулович — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

Назаров Отабек Хидирович — Давлат божхона қўмитасининг Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Болдир» темир йўл чегара божхона пости кичик инспектор-кинологи

Ниёзов Мухаммади Бозорович — Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Нуркулов Ойбек Хусенович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

Пардаханов Нодир Нарказакович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Разаков Азизбек Хайитович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рисқитуллаев Абдулло Хикматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Салиев Анваржон Джумабаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Самадов Зокир Ниёзович — Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси тоғли ҳудудларда оператив хизмат кўрсатиш бўйича жиноят қидирув бўлинмаси катта тезкор вакили

Тургунов Умиджон Алимжонович — Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Умурзаков Элиер Ильхамович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Файзуллаев Хасанбой Файзуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ҳасанов Жасурбек Баходирович — Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғининг ўринбосари

Хусанов Жахонгир Исмоил ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби фельдшери

Эсантурдиев Иномжон Умаралиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Юлдашев Миркамол Рашидович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ мутахассиси

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Аминжонов Абдумалик Аъзамжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Арапова Светлана Юрьевна — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ахмедов Мавланберди Игамбердиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Базаров Фарход Синдарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

Бегимов Санжар Тошмуродович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Бободжанов Фарид Иномович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи хизмат бошлиғи

Бобонкулов Боходир Маманович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Гапаров Фатхуллахан Хабибуллаханович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жалилов Акбаржон Қодирович — Самарқанд вилояти Иштихон тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

Жураев Исмоилжон Иномжонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Иброхимов Мурод Соипович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм гуруҳ командири

Иноятов Акмал Азимжанович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Исламов Ботир Султанбаевич — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм батальон командири

Каримов Одилжон Олимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси Чегара қўшинлари гуруҳи назоратчиси

Кимсанбаев Норматжон Парпибойевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

Кодиров Ойбек Давранович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

Мамажанов Лочинбек Юсупович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

Мамасалиев Гафуржон Эбайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта штурман-учувчиси

Маматкаримов Рахимжон Ахундедаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Мамаханов Музаффар Рахимбердиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Махмадазизов Марифжан Шарифович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти шахсий таркиб бўйича махсус инспекцияси бошлиғи

Насиров Алишер Равшанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта штурмани

Ортиков Илхомжон Комолидинович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Палуаниязов Данияр Каниязович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсуслаштирилган жазони ижро этиш колонияси махсус бўлим бошлиғи

Рахимов Абдуманнаб Абдусаттарович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказ бошлиғи

Рахимов Азизжон Сайдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Раҳмонқулов Мавлон Байдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Саидов Феруз Хасанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра бошлиғи

Санакулов Гайрат Мураткулович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Собитов Абдурасул Абдумуталибович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта муҳандиси

Тангиров Шерзод Кучкарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғи

Топилов Равшан Турсунпулатович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

Тоштанов Алишер Сапаралиевич — Андижон вилояти Марҳамат тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

Туланов Валижон Набижонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

Туляганов Гани Шукуруллаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

Тюрин Андрей Викторович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Худайбердиева Назира Мардиевна — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди фельдшери

Шеркулов Илхомжон Бекмуротович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Шеров Фаррух Абдиназарович — Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

Эгамназаров Икрамжан Намазбаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Эркабоев Гиёсжон Абдумаликович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

Юсупов Аким Константинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Якубов Тимур Комилович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

«Шуҳрат» медали билан

Абдиев Аброр Уралович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод мутахассиси

Абдурахмонов Марипжон Шавкатович — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Ёзёвон автомобиль мактабининг катта устаси

Адилов Боходир Мирфатихович — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ташкилий-тезкор бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Акбаров Одил Мамурович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

Алиев Акмал Орибжанович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Астемиров Ансар Тимурович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жумаев Шерали Хакимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

Жураев Саидобит Тураходжаевич — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

Курбанов Умид Шермаматович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат бошлиғи

Куртумеров Эрнест Ризаевич — Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси тоғли ҳудудларда оператив хизмат кўрсатиш бўйича жиноят қидирув бўлинмаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Кучкаров Миролимжон Мухаммадкарим угли — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

Миравазов Ильхам Исламбекович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командирининг биринчи ўринбосари

Мусаев Ёкубжон Абобакирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батарея мутахассиси

Нишонов Оллоберди Боходирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

Нормаматов Бахтиёр Утабович — Чирчиқ ҳарбий суди раиси

Норхонов Мамасоли — Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Учқўрғон тумани кенгаши раиси

Нўъмонов Ғолибжон Ғоффоржон ўғли — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

Обилов Зухритдин Мамараимович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Отабеков Жасур Тохирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

Рахмонов Амир Улмасович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи

Рузибаев Абдувахид Абдукадирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Салимов Эргаш Каримович — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

Сатиб-Алдиев Азим Абду-Шакирович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедра катта ўқитувчиси

Султанов Музаффар Абдурайимович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

Тураев Ғулом Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг бўлими бош мутахассиси

Тураев Шавкат Кенжаевич — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

Умматов Хаёт Эгамбердиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Фозилов Ахмаджон Анварович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командирининг ёрдамчиси

Халилов Жасурбек Фазлиддинович — Давлат божхона қўмитасининг Навоий вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

Холбоев Отабек Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкилий-назорат ва таҳлилот бўлими бошлиғи

Хусаинов Баходур Батурович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батарея командири

Эшанкулов Садриддин Бабабекович — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди судьяси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 12 январь

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ЧЕКСИЗ МЕҲР ВА ЭЪТИБОР ОҒУШИДАМИЗ

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси барча юртдошларимиз қатори биз, маҳалла фаолларини ҳам беҳад руҳлантириб юборди. Президентимиз 2015 йилни мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилгани кўнглимизни тоғдай кўтарди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилнинг халқимиз эзгу орзу-интилишларига монанд тарзда муайян ном билан аталаётгани ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳаларни равнақ топтириш, бу йўналишдаги долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этиш, истиқболдаги режаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Инсон қайси ёшда бўлмасин, аввало, ўзининг кераклигини, ён-атрофдагилар назарида эканлигини ҳис қилиши керак. Ана шунда у ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан фаол бўлишга интилади. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Тил ўрганишни хоҳлайдими, спорт билан шуғулланадими, нима хоҳласа, барчаси муҳайё этилган.

Маҳалламизда бир нечта чемпионлар бор. Уларга ҳавас қилган ўн ёшли набирам Абдулло юнон-рум кураши бўйича шаҳар биринчилигида ғолиб бўлди. Келгусида орзулари улкан. Ўн тўрт ёшли Камронбек «Пахтакор» командасининг ёшлар гуруҳи иштирокчиси. Келгусида жаҳон ареналарида тўп суриш нияти бор. Яна бир набирам Мухлисахон ўн бешда. Журналист бўлмоқчи. Ўтган йили китоби чиқди. Ўн уч ёшли Иродахон инглиз тилида мукаммал сўзлаша олади. Бир қатор халқаро танловлар иштирокчиси. Улар эришаётган ютуқларнинг барчаси мамлакатимизда ёш авлодни етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайлидир.

Биз, кексалар ҳам чексиз меҳр ва эътиборни ҳис этиб яшамоқдамиз. Ўзимдан қиёс: ёшим етмишда. Бир неча йилдан буён Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб фаолият юритаётирман. 2013 йилда Президентимиз Фармони билан «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлдим.

Маҳалламиздаги ёши улуғ инсонлар билан маслаҳатлашиб, бир қатор хайрли юмушларни амалга оширмоқдамиз. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олди олиниб, қизларни эрта турмушга узатиш, ҳуқуқбузарлик, оилавий ажримлар каби ҳолатлар сўнгги йилларда қайд этилмади.

Маҳалламиз ҳудудидаги 14-оилавий поликлиника билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани хотин-қизлар, айниқса, кексалар саломатлигини доимий назорат қилиб бориш, зарур ҳолларда уларга тиббий маслаҳат, даволаш муолажаларини кўрсатишга хизмат қилмоқда. Ҳафтанинг душанба куни Нуронийлар куни деб эълон қилинган. Шу куни ҳамширалар, шифокорлар, маҳалла фаоллари кексаларнинг уйига бориб, саломатлигини назорат қилади, керакли маслаҳатлар беради.

Кексаларимиз кўмагида миллатлар, турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги аҳиллик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялаш доимий эътиборда. Маҳалламизда «Ораста қизлар» тўгараги ташкил этилган бўлиб, унинг аъзолари боқувчисини йўқотган, ёлғиз қарияларга бириктириб қўйилган.

«Оила – маҳалла – таълим муассасаси» ҳамкорлиги натижасида маҳалламиз ҳудудидаги мактабнинг таълим-тарбия жараёни жамоатчилик назоратига олинган. Бу ўқувчиларнинг турли фан, бадиий ижодиёт, спорт-соғломлаштириш тўгараклари ишини янада яхшилаш, юқори синф ўқувчиларини академик лицей ва коллежларга тўлиқ қамраб олиш, болалар спортини ривожлантириш имконини бермоқда. Маҳалла ҳудудида ташкил этилган миллий кураш тўгарагига 200 нафардан ортиқ бола қатнайди.

Кексалар бор оилалар файзли, қут-баракали, ёшлари одобли, меҳрибон бўлади. Қизлар, келинлар режали бўлиш, оила тутиш маданияти, қайнота-қайнонага, турмуш ўртоғига, фарзандларига муносабатни улардан ўрганади. Уларнинг имконияти, тажрибаларидан фойдаланса, эътибордан четда қолдирмасак, руҳи тетик, бардам-бақувват бўладилар.

Иноят АБДУСОАТОВА,
Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғининнинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси
(ЎзА)

Ислом Исмоилов олган суратлар

ВАТАННИ ШАРАФЛАГАН ҲАРБИЙ СПОРТЧИЛАР

Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари 2014 йилги спорт мавсумида мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда жами 856 медални қўлга киритди.

Ватан – улуғ, бебаҳо тушунча. Унинг ҳар бир гўшаси, тоғу адирлари, чўлу дарёси, боғу даштлари ўзини, ўзлигини англаган инсон учун қадрли. Юрт корига яраш, унинг обрў-эътибори юксалишига ўзини дахлдор, деб билиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Ана шу бурчни сидқидилдан адо этиб келаётган, қалбида ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуси жўш урган ҳарбий спортчиларимизнинг турли нуфузли мусобақаларда эришаётган юксак натижалари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари ҳам спортчи, ҳам ҳарбий хизматчи сифатида ўзининг шарафли вазифасига масъулият билан ёндашишни, халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишни асосий мақсади, деб билади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида миллий армиямиз сафларига ҳар томонлама соғлом, чуқур билимга эга йигитлар саралаб олинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 1993 йил 19 мартдаги фармонига мувофиқ ташкил этилган мазкур ҳарбий спорт клуби Қуролли Кучларимиз сафини жисмоний ва маънавий соғлом ёшлар билан тўлдириш, ҳарбийларни спортга кенг жалб этиш, мамлакатимиз олимпия заҳираларига маҳоратли спортчилар ва малакали мураббийлар етиштириб беришга муносиб ҳисса қўшаётир.

Бугунги кунда мазкур клубда 600 нафардан зиёд йигит-қиз спортнинг дзюдо, бокс, кураш, эркин ва юнонрум кураши, енгил ва оғир атлетика, таэквондо (WTF), теннис, байдарка ва каноэда эшиш, трамполин, сув полоси, баскетбол, ўқ отиш, армрестлинг, қўл жанги, универсал жанг, автоспорт бўйича тажриба ва маҳоратини оширмоқда. Машғулот жараёнлари МҲСК тизимида фаолият юритаётган малакали мураббийлар раҳбарлигида барча шароитларга эга замонавий спорт мажмуаларида, ўқув-машғулот базаларида олиб борилади.

Ёш спортчилар илк қадамини МҲСК таркибидаги Олий маҳорат спорт мактабида бошлайди. Мактабда ўз истеъдодини намоён эта олган, турли мусобақаларда юқори натижаларга эришган ёшлар клуб таркибига спорт фаоллари, МҲСК спорт жамоасига хизматчи сифатида, сўнгра эса шартнома асосида ҳарбий хизматга қабул қилинади. Клуб аъзолари спорт билан шуғулланиш баробарида ўз касб маҳоратини ошириш, мудофаа тизимидаги бошқа соҳаларда фаолият юритиш имконига ҳам эга.

Марказий ҳарбий спорт клубида, аввало, спортчиларнинг маънавиятини бойитишга, ахлоқий-руҳий тайёргарлигига, мамлакатимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу уларни иродали, матонатли, мард ва жасур, ҳар қандай вазиятда Ватан ҳимоясига қодир, юқори маънавиятли бойитишга, ахлоқий-руҳий тайёргарлигига, мамлакатимиз мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилади. Бу уларни иродали, матонатли, мард ва жасур, ҳар қандай вазиятда Ватан ҳимоясига қодир, юқори малакали кадрлар этиб тарбиялашга хизмат қилаётир.

Клубнинг мамлакатимиз спорт федерациялари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани ҳарбий спортчиларга ўқув-машғулот йиғинларини юқори савияда ташкил этиш, халқаро мусобақаларда қатнашиш имконини бермоқда. МҲСК спортчилари бугунги кунда қатор спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларимиз таркибида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинлари каби нуфузли мусобақаларда юксак натижаларга эришаётир.

– Ҳарбий спортчиларимиз 2014 йилги спорт мавсумида жами 856 медаль жамғарди. Шулардан 189 таси халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда қўлга киритилди, – дейди МҲСК бошлиғи ўринбосари, подполковник Уйғун Сиддиқов. – Спортчиларимизнинг бу натижаси мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёшларнинг спорт билан шуғулланиши, ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариши учун яратилаётган кенг имкониятлар самарасидир.

МҲСК аъзоларининг Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида эришган натижалари салмоқли бўлди. Мазкур ўйинларда МҲСКнинг 44 нафар вакилидан 18 нафари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Осиё ўйинларида таэквондочи Жасур Бойқўзиев, каноэда эшкак эшиш бўйича Вадим Меньков ва енгил атлетика баҳсларида Екатерина Воронина шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, қитъада тенгсиз эканини исботлади.

– Нуфузли мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқларимиз замирида Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда спортни, жумладан, хотин-қизлар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор мужассам, – дейди XVII Осиё ўйинлари ғолибаси Екатерина Воронина. – Осиё ўйинларида эришган ғалабамни 2016 йилда Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ҳам такрорлаш учун бор куч-ғайратимни сарфлайман.

Мамлакатимизнинг енгил атлетикачилари, дзюдо усталари ва оғир атлетикачиларининг жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирларда эришган натижалари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида том маънода соғлом ва ҳар томонлама етук спортчилар авлоди шаклланганининг амалдаги яна бир ифодасидир.

Спортчиларимизнинг жаҳон спорт ареналарида юксак натижаларга эришишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлмоқда.

Олимпиадага тайёргарлик дастурига мувофиқ юқори салоҳиятли спортчилар ва мураббийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, олимпиячиларимиз заҳирасини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўқув-машғулот жараёнларини замонавий талаблар даражасида ташкил этиш, жисмоний тайёргарликни яхшилаш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар ўртасида спортни ривожлантириш бўйича кенг кўламли вазифалар амалга оширилмоқда.

2015 йилги спорт мавсуми ҳарбий спортчиларимиз учун янада масъулиятлидир. Чунки жорий йилда Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа миқёсида ўтказиладиган нуфузли мусобақалар спортчиларимиз учун XXXI ёзги Олимпиадага муҳим тайёргарлик вазифасини ўтайди. Шу боис мамлакатимизнинг барча спортчилари қатори Марказий ҳарбий спорт клуби аъзолари ҳам мусобақаларга ҳозирдан пухта тайёргарлик кўрмоқда. Асосий мақсад – 2016 йилги Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, Ватанимиз спорт салоҳиятини намоён этишдир.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

«Камолот»

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНҒАН ЮРТ

«Камолот» ЁИҲ Сергели туман Кенгаши томонидан Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Ёшлар сизни эъзозлайди!» шиори остида хайрия тадбири ташкил этилди.

Азалдан ўзбек халқи ёши улуғ инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг кўнгилларини кўтаришга алоҳида эътибор қаратиб келади. Кексаларни эъзозлаш йили ҳамда 14 январь Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда туманда истиқомат қилаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улуғ отахон-онахонлар ҳолидан хабар олинди. «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши фаоллари томонидан совғалар топширилиб, уларнинг ҳаётий тажрибаларидан бохабар бўлишди.

— Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад ёшларимизнинг миллий урф-одатларимизни унутмаслиги, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиши муҳимлигини яна бир бор уқтиришдан иборатдир, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Сергели туман Кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажарувчи Шуҳрат Каримов. — Ёшларимизнинг ўтмишда халқимиз бошидан ўтказган қийинчиликлардан бохабар бўлишлари мустақиллигимизни кўз қорачиғидек асраш муҳимлигини англашларига ёрдам беради.

Тинч ва осойишта юртимизда давлатимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган эътибордан оқилона фойдаланиб, бой ҳаётий тажрибага эга кексаларимиз ўгитларига қулоқ солишда бу каби тадбирларнинг ўрни муҳимлигини таъкидлаш жоиз.

Зиёда РАСУЛОВА

ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШДИ

Саломатлик — туман бойлик. Шу боис ҳам мамлакатимизда аҳолининг, хусусан, оналар ва болаларнинг соғлиғига жиддий эътибор қаратилмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Қуролли Кучлари академияси тингловчилари ва уларнинг оила аъзолари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Оналар ва болалар руҳшунос ҳамда невропатолог кўригидан ҳам ўтишди ва шифокорлардан керакли тавсияларни олишди.

Энди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ташаббуси билан Сергели туманидаги ҳарбий қисм хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари ҳам чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Мутахассис маслаҳати

ЙОДЛАНГАН ОШ ТУЗИ — СОҒЛИҚҚА ФОЙДА

Йод танқислиги организмда йод етишмаслиги сабабли юзага келадиган ва қалқонсимон без хасталаниши орқали намоён бўладиган касалликдир. Йод танқислигининг асосий белгилари — бу бўйинда шиш пайдо бўлиши, нафас сиқиши, ҳолсизлик ва хотиранинг сусайишидир.

Бу касалликнинг келиб чиқишига тупроқ қатлами, сув, ўсимликлар, истеъмол қилинаётган озиқ-овқатда йод кимёвий элементининг кам миқдорда бўлиши, баъзи ички сурункали касалликлар, фермент етишмовчилиги, экология ҳам сабаб бўлиши мумкин. Йод танқислиги касалликлари профилактикасида оммавий усул сифатида бирмунча қулай ва арзон, хавфсиз йўл танланган. Бу овқат билан йодланган ош тузини истеъмол қилишдир. Чунки туздан ҳамма деярли ҳар куни фойдаланади. Бугунга келиб йодланган ош тузи республикамизнинг бир қанча вилоятларида ишлаб чиқарилаяпти.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиясига асосан йодга бўлган бир кунлик эҳтиёж янги туғилган чақалоқлар ва 2 ёшгача бўлган болалар учун 50 мкг, 2-6 ёшли болалар учун 90 мкг, 7-12 ёшли болалар учун 120 мкг, 12 ёшдан катта болалар учун 150 мкг, ҳомиладор аёл ва эмизикли оналар учун 200 мкг. ни ташкил қилади.

Йоднинг табиий манбаи, бу денгиз балиқлари, денгиз карами ва бошқа денгиз маҳсулотларидир. Йод танқислиги ҳолатининг олдини олиш учун аввало бу моддани организм ҳар куни қабул қилиб туриши керак. Мутахассислар фикрича, бир қошиқ, яъни 5 грамм йодланган ош тузи катталарнинг йодга бўлган бир кунлик эҳтиёжини қоплайди. Янги туғилган чақалоқлар учун йод манбаи она сутидир.

Хлорли натрий кўринишидаги туз — бу кенг тарқалган табиий тузлардан бири ҳисобланади. Ош тузи таркиби навига қараб 97 фоиздан 99,7 фоизгача хлорли натрийдан иборат бўлади. Сифати бўйича эса ош тузи экстра, олий, биринчи ва иккинчи навларга бўлинади.

Йодланган ош тузининг сотуви Ўзбекистон Республикасининг «Савдо ташкилотлари маҳсулотлари айланмасига қўйиладиган санитария эпидемиология талаблари» санитария талаблари ва қоидаларига мувофиқ ҳолда савдо дўконларида амалга оширилади.

Сотиладиган йодланган ош тузи норматив ва техник ҳужжатлар билан белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак. Қадоқланмаган, маркировкаланмаган йодланган ош тузини сотиш мумкин эмас. Ҳар бир ўрам жойининг маркировка ёрлиғида маҳсулотнинг яроқлилик муддати ва тури кўрсатилган бўлиши ва шу ёрлиқлар маҳсулот сотиш тугагунга қадар сақланиши лозим. Ош тузини бегона ҳидлар таратмайдиган, зараркунандаларга дучор бўлмаган, қуёш нурларидан ҳимоя этилган алоҳида турган қурук, тоза ва яхши вентиляция қилинадиган хоналарда сақлаш мақсадга мувофиқдир.

Йодланган ош тузининг органалиптик ва физик-кимёвий кўрсаткичлари ҳамда яроқлилик муддати ЎзДСТ 1091-05 талабларига мувофиқ бўлиши лозим, яъни ош тузида йод миқдорининг рухсат этилган меъёри 40+/- 15 мкгдан ошмаслиги зарур.

Озиқ-овқат дўконларидан фақат йодланган ош тузи, яъни ишлаб чиқариш жараёнида йод билан бойитилган ош тузидан харид қилиш аҳоли саломатлиги учун муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада жойлардаги савдо дўконларида, овқатланиш муассасаларида, мактабгача таълим муассасалари ошхоналарида, умуман олганда, истеъмолдаги ош тузининг мунтазам таҳлил этилиши талаб этилади. Албатта, шу билан бир қаторда жойларда йод танқислигининг олдини олиш бўйича кенг тарғибот ишларини олиб бориш, таълим муассасаларида, корхона ва ташкилотларда мунтазам ташвиқот ишларини давом эттириб боришимиз, айниқса, уй бекалари ва бўлажак оналарда бу тушунчаларни шакллантиришимиз соғлом авлод вояга етишишидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Азизбек НИЗАМОВ,
Тошкент шаҳар Саломатлик ва тиббий статистика институти директори ўринбосари

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SIROJIDDIN FAYZ SAVDO»
хусусий корхонаси

Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолиси учун яна бир қулайликни тақдим этади!

Корхона мебель маҳсулотлари, маиший техника буюмлари ҳамда қурилиш моллари, хусусан профнастиль, шифер, ғишт, тахта, турли бўёқлар, цемент, шифт қопламалари ва бошқа турдаги қурилиш молларини

КРЕДИТГА БЕРАДИ.

Мурожаат учун телефонлар:

+99893 607 00 90
+99895 512 37 35
Маҳсулот сертификатланган

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Учтепа туман СИБ томонидан, ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2014 йил 6 ноябрдаги 1-5848/2014-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, 387Д-уй, маиший хизмат кўрсатиш шаҳарчаси ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 331 кв.м, бинонинг умумий майдони 131 кв.м. бўлган 4 хонадан иборат (ижара салони ҳозирги кунда тикув цехи). **Бошланғич баҳоси – 256 000 000 сўм.**

2. Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 8-уйда жойлашган умумий ер майдони 472 кв.м., бинонинг умумий майдони 262 кв.м. бўлган 1 қаватли ертўладан иборат ошхона ва савдо дўкони. **Бошланғич баҳоси – 287 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2015 йил 16 февраль куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 13 февраль куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas Mulk Savdo Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 х/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Миробод туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2014 йил 1 август № 007139 рўйхатдан ўтган Миробод туман 2-Сарикўл кўчаси, 2А-уй 2-хонада жойлашган МЧЖ «GULYA-NEW» (ИНН 303017022) 9.01.15 № 1 буйруғига асосан тугатилади.

Даъволар эълон нашр қилинган кундан бошлаб 2 ой мобайнида Миробод тумани, 2-Сарикўл кўчаси, 2А-уй манзили бўйича қабул қилинади.

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 15.12.2014 йилдаги № 10-1312/7334 сонли ажрими билан Тошкент шаҳар Яшнобод туманида жойлашган «MIURA ELECTRONICS» МЧЖ (ИНН 300 794 452) тугатилди. Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан бошлаб Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Уйсозлар, 6-уй манзилида қабул қилинади.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **14 январь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 0-2 даража илиқ, кундузи — 8-10 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **14 январь** ва **15 январь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 155

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12653 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 13.40

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ